



**YANGI O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTINING
BARQAROR
RIVOJLANISHIDA
BIZNES
JARAYONLARINI
MODELLASHTIRISH
VA PROGNOZLASH**

NURMAMATOV XOJIAKBAR

BAXTIYOR O'G'LI,

21/2 gurux talabasi Stars

International University

xojibrat8@gmail.com

SAIDOVA MARXABO

HABIBULLO QIZI,

PhD, Dotsent Stars International

University

saidovamarhabo1991@gmail.com

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp217-222>


Annotatsiya: Mazkur maqolada mamlakatimizda biznes tendensiyalarining modellari va prognoz natijalarini statistik baholanib, biznesning rivojlanish jarayonlarini modellashtirish va prognozlashga qaratilgan yondashuvlar bayon qilingan.

Kalit so'zlar: biznes, tadbirkorlik, jarayon, bevocita va bilvocita omillar, statistik tahlil, modellashtirish, prognozlash, strategiya.

КИРИШ

Ўзбекистонда инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, камбағаллик даражасини пасайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали ривожини учун ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий шарт-шароит яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикамиз Президенти «Мамлакатимизни 2020 -йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олишда, энг асосийси, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш бериш, одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ҳамда иш жойларини кўпайтиришимиз зарур» деб таъкидлайди[1].

Ўзбекистонда бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар олиб борилаётганлиги сабабли уларнинг сони ошиб бормоқда[1-расм].



1-расм. Ўзбекистонда фаолият юритаётган бизнес субъектлари сони¹

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосланиб, 2015-2020-йилларда фаолият кўрсатаётган бизнес субъектларининг якка тартибда, юридик шахс ташкил этган ҳолда, шунингдек, жисмоний шахс сифатида рўйхатдан ўтганларни ўсиш тенденциясида эканлигини кўришимиз мумкин. 2015- йил кўрсаткичлари билан таққослаганда, 20 ва 11 баробар кўпайган. Иқтисодиётда банд бўлганлар сонига бизнеснинг улуши ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда 4467,1 минг киши бизнес билан банд бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб, қарийб 2,2 баробарга ошган. Фоизларда эса 49,7 % дан 73,8 % га мос равишда ўзгарган.

Мамлакатимизда соҳага оид қабул қилинган фармон ва қарорларда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ва юқоридаги вазиятни эътиборга олган ҳолда бизнеснинг ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилиш, моделлаштириш ва прогнозлашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш сегментларига дифференциал ёндашиш, ривожланиш тенденцияларини замонавий талаблар асосида статистик нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, прогноз кўрсаткичларини асослашда нормал тақсимот ва оптимал қийматлар каби қонуниятлардан фойдаланиб статистик ишонч интервали даражасини оширишга қаратилган илмий-тадқиқотлар қамровини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Бизнеснинг ривожланиш жараёнларининг статистик таҳлилининг амалга оширган олимларнинг изланишлари бўйича таҳлиллار қуйидагича:

С.К. Салаев республикамызда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлашнинг назарий, услубий асосларини таққослаган ҳамда устувор ривожланишини таъминлаш юзасидан илмий-амалий таклифлар берган [2]. И.М. Абдуллаева аниқ бир фирма бошқарувини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берган ва корхонанинг хўжалик фао-

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

лиятини эконометрик таҳлил қилган. Бу эса индукция методидан фойдаланиш имкониятини беради [3]. Х.А. Джалилов истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишни ўрганишда замонавий эконометрик усуллар: Юнит Рут тести ва Ёхан Сен коинтеграцион тести кабиларни Ўзбекистон шароитида қўллаш методологиясини ишлаб чиққан [4]. О.Қ. Рихсимбоев Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини эконометрик моделлаштиришнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва кичик тадбиркорлик ривожланишини башорат қилган [5]. Б.Ю. Ходиев эса тадбиркорликни ва унинг кичик ва ўрта бизнес шаклини ривожлантиришнинг таҳлилий башорат ва режалаштириш масалаларини ечиш учун иқтисодий моделлаштиришни ва рекурсив дастурлашни назарий-услубий асосларини ишлаб чиқишни таклиф қилган [6]. М.П. Цой саноат корхонасининг бизнес-стратегиясини эконометрик таҳлил ва синтез қилиш орқали муайян фирманинг мукамал бошқаруви бўйича хулосалар берган [7].

Юқорида қайд этиб ўтилган иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида республикамізда бизнеснинг ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилиш масалалари назарий жиҳатдан ёритиб берилган бўлса-да, лекин бизнес ривожланиш жараёнига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда статистик таҳлили етарлича ўрганилмаганлиги, шунингдек, бизнес ривожининг мамлакат иқтисодиётига таъсири комплекс ҳолда ўрганилмаганлиги мазкур йўналишда тадқиқот ишларини олиб боришни тақоза этади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакат ЯИМ таркибидаги бизнес улушини кўпайтириш жараёнида иштирок этувчи ҳамда уларга бевосита ва билвосита таъсир қилувчи, шу билан бирга, бир-бири билан ўзаро стохастик алоқада бўлган омиллар, бу омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таъсир даражасини аниқлаш Ўзбекистонда бизнес ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш, бизнес ривожини тенденцияларини прогноз қилиш, таҳлил натижалари асосида қай бир соҳага эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаш, бизнеснинг ривожланиш тенденциялари моделини тузиш ва уни баҳолаш бизнеснинг ривожланиш йўналишларини белгилаш ва танлаш имконини яратади.

Кўп омилли регрессия тенгламаларини тузиш моделларни шакллантириш масалаларини ечишдан бошланади. Улар ўз ичига икки масалани олади: **биринчиси**, омилларни саралаш бўлса, **иккинчиси**, регрессия тенгламаси кўринишини танлашдан иборат [8].

Ўзбекистонда кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг 2000–2020 йиллар давомидаги ўзгариши ўрганилди. Бизнеснинг ЯИМдаги ҳажми боғлиқ ўзгарувчи сифатида ва уни шаклланишини таъсир этувчи 14 та омил ўзгарувчилар, эконометрик модель тузишда “Катта сонлар Қонуни” тамойилига асосан омиллар танлаб олинди.

Танланган омилларни бизнеснинг ривожланишига таъсир этувчи бевосита ва билвосита омилларга бўлиш орқали уларнинг алгоритми ишлаб чиқилди ҳамда ушбу омиллар бизнес ривожланишига қай даражада таъсир кўрсатишини гипотезалар асосида таҳлил қилинди.

Бунда бевосита таъсир этувчи омилларга кичик бизнеснинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги тармоғидаги, қурилишдаги, савдодаги, юк ташишдаги, саноатдаги, юк айланмасидаги, йўловчи ташишдаги, йўловчи айланмасидаги ҳажми каби 8 та омиллар гуруҳи ва билвосита таъсир этувчи омилларга кичик бизнеснинг экспорт ҳажмидаги, инвестициядаги, пулли хизматлардаги, жами хизматлардаги, импорт ҳажмидаги, бандликдаги ҳажми каби 6 та омил гуруҳига ажратилди.

Моделни шакиллантиришда натижавий ва омил белгиларда мультиколлинearликни текшириш учун корреляцион жадвали тузилди. Ўн хил вариантда моделлар орасидаги алоқадорлик текширилди, жуфт корреляция коэффициентлари 0,8 дан юқори бўлган коллинеар омиллардан бирини регрессиядан чиқариб ташланди[8].

Бевосита омиллар таъсири натижасида бизнеснинг саноатдаги улуши ва кичик бизнеснинг юк айланмасидаги улуши 1 фоизга ортиши мос равишда кичик бизнес ҳажмини 0,37 фоизга ва 0,21 фоизга камайишига олиб келиши аниқланди. Агар кичик бизнес субъектининг қурилишдаги улуши билан савдодаги улушини 1 фоизга оширилса, у ҳолда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулот ҳажми мос равишда 1,28 фоиз ва 0,61 фоиз қўшимча ошириш имконияти мавжудлиги аниқланди. Бундай натижаларга кўра, ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари фаолиятини қурилиш ҳамда савдо соҳаларига қаратиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги икки моделнинг натижалари умумлаштирилиб, бизнес ривожланишининг сценарий ҳолатларида бевосита ва билвосита таъсир қилувчи омиллар натижага таъсир кучи бўйича табақаланган, яъни бевосита таъсир этувчи энг кучли омил қурилиш соҳаси бўлиб, билвосита таъсир қилувчи омил экспорт эканлиги аниқланди.

Кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмига таъсир қилувчи бевосита ва билвосита омиллар асосида ишлаб чиқилган моделларга асосан бизнес жараёнларининг прогноз вариантларини ишлаб чиқиш мумкин(4-жадвал).

1-жадвал

Бизнес жараёнларини ривожланишининг 2021-2026 йиллардаги прогноз вариант сценарийлари (ўлчов бирлиги млрд. сўм)[9]

№	Сценарийлар		2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2026 й.
1.	Пессимистик	I вариант	282197,6	291341,7	3045064,7	354308,7	361242,3	368597,1
		II вариант	278944,7	291068,2	303186,8	330117,4	354649,2	359642,8
2.	Базисли	I вариант	30148,58	324150,2	376686,3	391586,6	444926,3	450326,2
		II вариант	292278,5	311260,5	357525,0	396211,9	434359,4	446388,2
3.	Оптимистик	I вариант	32869,45	388269,9	411148,0	432669,5	553596,7	560124,7
		II вариант	305090,8	330345,4	412769,9	464279,9	515279,0	523104,9

Жадвал маълумотларига кўра, прогноз вариантларига асосан 2026- йилга келиб, пессимистик назариянинг I варианты бўйича 368597,1 млрд. сўмлик кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ишлаб чиқарилса, II вариант бўйича 359642,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Оптимистик сценарий бўйича I вариантда 560124,7 млрд. сўмлик бизнес маҳсулотлари ишлаб чиқарилса, II вариант бўйича 523104,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

2026- йилгача бизнес жараёнлари ривожланиши моделининг прогноз аниқлиги МАРЕ мезони текшируви натижалари бўйича ва муқобил сценарийлар пессимистик, оптимистик ва базисли усулларда II хил вариант асосида ҳисобланди. Ушбу вариантлар асосида модель қуриш ва прогноз қилиш пандемия ва ундан кейинги даврлардаги ўзгаришга тайёр туриш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси, шакллари ва усулларига боғлиқ бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бизнеснинг иқтисодий-статистик таҳлилини такомиллаштириш бизнес субъектларининг иқтисодий фаолияти таҳлили ва режалаштиришни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлардан бири эканлиги, бизнеснинг ривожланишини эконометрик моделлар ёрдамида кузатиш, ўрганиш ва прогнозлаш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқ қилинаётган бизнесни ривожланиш тенденциялари саккизта бевосита (I вариант) ва олтита билвосита оми (II вариант)га ажратилиб, жараённинг эконометрик моделлари оптимистик, пессимистик ва базисли сценарийлар асосида прогноз қилинди. Прогноз натижаларига асосан 2026- йилга келиб, пессимистик назариянинг I варианты бўйича 368597,1 млрд. сўмлик кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқарилса, II вариант бўйича 359642,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Оптимистик сценарий бўйича I вариантда 560124,7 млрд. сўмлик бизнес маҳсулотлари ишлаб чиқарилса, II вариант бўйича 523104,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Яратилган эконометрик модель Республикада бизнесни ривожланиш жараёнини мониторингини олиб боришда муҳим ўрин эгаллаши ва мамлакатда бизнес жараёнини бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 25.01.2020//<https://uza.uz/oz/politics>.
2. Салаев С.К. “Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш”. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2008 й.
3. Абдуллаева И.М. “Эконометрический анализ хозяйственной деятельности фирмы (на примере АОТ “Рохат” Наманганской области). Докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2008 й.
4. Джалилов Х. “Истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишнинг статистик тадқиқот усуллариини такомиллаштириш” (МХТасосида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2004 й.

5. Рихсимбоев О. Қ. “Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устивор йўналишларини эконометрик башоратлаш”. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2002 й.

6. Ходиев Б.Ю. “Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш”. Докторлик диссертацияси автореферати. –Т.: 2000 й.

7. Цой М.П. “Эконометрический анализ бизнес стратегии промышленного предприятия”. Докторлик диссертацияси автореферати. –Т.: 2000 й.

8. Ekonometrika. Darslik / I. Habibullayev: –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2020. 240 b.

Саидова М.Х. “Ўзбекистонда бизнес ривожланиш жараёнларини статистик таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш” Докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2021 й.